Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 8 октябрь, чоршанба • № 80 (10.959) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

2. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таълим тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш и ш л а р и н и мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъёрий асосини миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим масалалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

ИЛОВА

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, раис

Рискиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, раис ўринбосари

Азизхўжаев А. А. — Бош вазир ўринбосари, раис ўринбосари

Зокиров М. О. — Бош вазир ўринбосари котибиятининг мудири, котиб

Комиссия аъзолари:

Алимов Т. А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари

Саидова Г. К. — Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

Назаров Й. А. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқа бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари

Иминов Т. К. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти

Маматов А. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Қурбонов Ш. Э. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Жўраев Т. Ж. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

Жўраев Х. Р. — Маданият ишлари вазири

Йўлдошев Ж. F. — Халқ таълими вазири

Салимов О. У. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Сайфиддинов Ж. Б. — Молия вазири

Обидов О. — Меҳнат вазири

Ҳабибуллаев П. Қ. — Фан ва техника давлат қўмитаси раиси

Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси, «Умид» жамғармаси раиси

Беганов В. С. — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Мақсудов А. М. — «Ўздавстандарт» бош директори

Исмоилов У. С. — Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Абдураимов Ҳ. М. — «Камолот» жамғармаси раиси

Аминов Н. — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари

Зиёев М. Қ. — Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

«ОДИЛ НОН»НИНГ МАЗАЛИ НОНЛАРИ

ПАХТА йиғим-теримини умумхалқ ҳашари йўли билан ўтказиш элимизнинг азалий одати. Бу йил ҳам янгийўлликлар ана шу анъанани урф қилдилар. Корхона ва ташкилотлар жамоаларининг вакиллари хўжаликларга чиқиб, пахта теришяпти.

«Одил нон» ҳиссадорлик жамияти эса мавсум давомида туман пахтакорларини олий навли ун билан таъминлашни зиммасига олган. Ҳозир корхона жамоаси бу йилги ҳосилдан кунига 150 тонна юқори сифатли ун ишлаб чиқаряпти. Улар дала меҳнаткашларига фақат ннинг ўзини жўнатибгина қолмай, ўн хил нон ҳам ёпиб, теримчи ва механизаторлар дастурхонига етказиб беришмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

МАҲСУЛОТЛАР ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ТРАНСФОРМАТОР заводи жамоаси ишлаб чиқарилаётган ускуналарини такомиллаштириш ва янгиларини ўзлаштириш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Электр ёйи ёрдамида пайвандлашда ишлатиладиган ТДС-125 трансформатори, уй-жойларни иситиш учун мўлжалланган қозон, янги турдаги куч трансформаторлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилганлиги учун ҳам буюртмаларнинг кети узилмаяпти. Йилнинг ўтган ойларида мижозларга юз миллион сўмликдан ортиқ ҳажмда шундай энергетика асбоб-ускуналари етказиб берилди.

М.МАҲМУДОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ ЖЎНАТИЛЯПТИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани хўжаликлари бу йил 19,4 минг тонна пахта тайёрлашни режалаштирганлар. Пахта омборлари шу кунларда улардан кунига 800 тоннадан ошириб юқори навли ҳосил қабул қилиб олаяпти.

Айниқса «Ўзбекистон» пахта заводи унумли ишлаяпти. Терилган ҳосилни шу корхонага топшираётган Аҳмад Яссавий номли, «Ўзбекистон», «Туркистон» жамоа хўжаликларида йиғим-терим суръати кун сайин ошиб бораётганида завод меҳнат аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Шу хўжаликларнинг топшираётган пахтаси тозалиги ва яхши қуритилганлиги билан ажралиб туради, — дейди корхона бош лаборанти Раҳима Жўраева. — Хом ашёни фақат юқори сортларга қабул қиляпмиз. Демак, хўжаликларнинг даромадлари ҳам яхши бўлади.

Пахта заводи жамоаси янги хомашёни қайта ишлашга киришди. Улар ишлаб чиқарилган толани «Кобул-Тўйтепа текстиль» корхонаси ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинатига топширишни бошлаб юбордилар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ДЕҲҚОНБОЙ АКАНИНГ ХИРМОНЛАРИ

БЎКА туманидаги Барот Умаров номли жамоа хўжалигининг Деҳқонбой Жуманазаров бошлиқ бригадаси пахтакорлари 29 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтариб, режани 105 фоиз қилиб бажардилар.

Давлатга 80 тонна ўрнига 85 тонна юқори сифатли ҳосил етказиб берилди.

— Бу йил барча майдонларга эртапишар «Фарғона-3» навли чигит эккандик, — дейди Д.Жуманазаров, — ғўза эрта ҳосилга кирди ва пишиб етилди. Шу боис пахта йиғим-теримига ўн беш кун аввал кириштик. Теримда ҳозир ҳам юздан ортиқ киши қатнашаяпти. Далаларда ҳосил кўп. Яна 20 тоннадан кўпроқ пахта йиғиб-териб оламиз.

Б.ОСТОНАҚУЛОВ.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

Пахта — 97 *Пахта — 97*

ТЕЗКОР МАТБУОТ ГУРУҲИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДАСТЛАБКИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗ пахта далаларидан биринчи хушхабар келди. Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли деҳқон фермерлар уюшмаси пахтакорлари 710 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,1 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиб, вилоятда биринчи бўлиб режани бажардилар. Хўжалик давлатга 2 минг тоннадан зиёд юқори навли пахта топширди.

— Бир неча йиллардан буён ишончимизни оқлаб келаётган «Наманган—77» нави қўл келди, — дейди жамоа хўжалиги раиси Нуриддин Турғунов, — у эрта пишарлиги, касалликка чидамлилиги билан бошқа навлардан устунлигини кўрсатди. Пахтаси бўлиқ, серҳосиллигидан ташқари, бир текис очилиб берди. Бу эса қўл терими учун ҳам, машиналар учун ҳам қулайлик яратди.

Хўжаликда 10 та терим агрегати мунтазам ишламоқда. Жамоа хўжалиги аъзолари ёнига чирчиқлик, оҳангаронлик хашарчилар ҳам қўшилиб, катта мадад кўрсатмоқдалар.

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорига кўра хўжаликда аниқ тадбирлар белгилаб олинганлиги муваффақиятни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Илғор бригадалар, механизаторлар, кўпмингкилограммчилар ҳар беш кунликда олган ҳақларидан ташқари, қўшимча моддий рағбатлантириб борилдилар. Натижада Турсунбой Бойзоқов, Мирзаали Қосимбеков, Қамбар Сафаров, Ўрмонали Хожиев бошлиқ бригадалар биринчилардан бўлиб йиллик режаларини адо этдилар ва хирмонга катта улуш қўшдилар. Шунингдек, Жоқай Арапов, Умар Мирзаев, Ўроз Суттибоев каби механизаторлар, Маърифат Фармонова, Карима Эрмонова, Ғайрат Эшонқулов сингари пешқадам теримчилар меҳнати ҳам ибратли бўлмоқда. Шу кунларда хўжаликда терим қизғин. Акмал Икромовликлар яна 500 тонна пахта териб, катта хирмонга барака киритишга ахд қилдилар.

Усмонали ҲАМИДОВ.

ҲАММАСИ ЮҚОРИ НАВГА

Пскент. Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари кун сайин маррага яқинлашмоқдалар. Кеча Тоштемир Акбаров бошлиқ бригада пахтакорлари 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 131 тонна юқори навли пахта топшириб режани биринчи бўлиб бажардилар.

Мирали Отақўзиев, Жамол Ражабовлар бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ҳам режани муддатидан илгари бажарганликларини маълум қилдилар. Ҳар уч пешқадам бригада пахтакорлари айни кунларда ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Н.ИСАЕВ

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 7 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Ўртачирчиқ	4.05	62.10
Чиноз	2.08	60.49
Юқоричирчиқ	4.16	55.62
Янгийўл	2.43	51.95
Бекобод	2.19	47.68
Бўка	2.67	47.41
Пскент	2.40	43.27
Қуйичирчиқ	2.48	35.32
Оққўрғон	1.86	10.92
Вилоят бўйича	2.66	44.02
1996 йилда бўлган эди	2.72	41.65

«КАМОЛОТ» ҚИРҚНИ МЎЛЖАЛЛАМОҚДА

Ерга эгалик ҳиссини амалда туйиш ўзининг самарасини берди. Бўка туманидаги «Камолот» деҳқон-фермер хўжалиги эришган дастлабки ютуқ бунга мисолдир.

Бу хўжалик деҳқонлари 45 гектар ерга экилган «Фарғона—3» навли пахтанинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 27 центнердан ҳосил йиғиб олиб, режани туманда биринчи бўлиб бажардилар.

Абдурашид Абдурахмонов етакчилик қилаётган бу фермер хўжалиги пахтакорлари йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.

Даврон АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) теримчи Муҳаббат Саидқулова ва Ҳикоят Худойқулова. Улар кунига 170 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Муаллиф олган сурат.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна бошланди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам газетамиз Сизнинг энг яқин маслаҳатдошингиз, ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.

Дарвоқе, эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.

Бизнинг нашр кўрсаткичимиз:
якка обуначилар учун: 205
ташкилотлар учун: 206

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг

«ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ПАРВОЗИ»

Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганлиги ҳақида жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари тарқатган хабар ҳанузгача француз матбуоти диққат марказида турибди.

Франциянинг обрўли «Лез эко» иқтисодий кундалик газетаси мухбири Дени Коснарнинг «Нефть маҳсулотлари: Ўзбекистон чет эллик ҳамкорлари билан ишлашга қатъий қарор қилди» сарлавҳали мақоласини чоп этди.

Муаллиф ўз мақоласини Бухородан қуйидаги фактларни қайд қилиш билан бошлайди: сиёсий мустақилликка эришганига олти йил тўлиб, Ўзбекистон мустақилликнинг бошқа тури — иқтисодий мустақилликка ҳам эришди. Бундан буён мамлакат ўзини энергетика ресурслари билан таъминлашга қодир. «Яқингача Марказий Осиёнинг ушбу республикаси ёқилғи маҳсулотининг аксарият қисмини Қозоғистон ва Россиядан келтиришга мажбур эди. Ҳозир эса нефтни қайта ишлашни камида 30 фойизга оширишга имкон берувчи янги ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи туфайли Ўзбекистон чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш борасида ўта муҳим қадамни ташлади», — деб таъкидлайди муаллиф.

Д. Коснар газетхонлар эътиборини қуйидаги ҳолатга қаратади: тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриб берилган янги нефтни қайта ишлаш заводи мамлакат иқтисодидаги туб ўзгаришлар дастурини чинакам амалга оширилиши бўлди. Муаллиф ТЕКНИП компанияси президенти фикрига асосланиб ёзадики, ушбу машҳур француз компанияси раҳбарияти келажакда Ўзбекистонда тўплаган тажрибадан кўшни Туркманистон, Озарбайжон ва Марказий Европа мамлакатларида фойдаланишни мўлжалламоқда.

Француз журналистининг таъкидлашича, Ўзбекистон тараққиёти совет империясининг қулашига қадар мустаҳкам асосга эга бўлган ва бу мамлакат ўз олдига қўйган мақсадларни амалга оширишда оғишмади. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотдаги пасайиш бошқа собиқ совет давлатларидагига қараганда энг кам даражададир. Энергетика ресурслари соҳасида ишлаб чиқариш пасаймаган, аксинча ўсишга эришган ягона давлатдир. 1990 йилдан 1996 йилга қадар нефть ишлаб чиқариш уч карра ошган, табиий газ ишлаб чиқариш эса 20 фоизга етган.

Мақоланинг асосий ғоясини қуйидаги фикр ташкил этади: республика раҳбариятининг юритган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон қисқа муддатда энергетика мустақиллигига эришди ва углеводород ёқилғиси экспорт қилувчи давлатга айланди. Ўзбекистон чет эл сармояларини ўзига жалб эта бошлади. Француз журналисти бир ҳорижий банк намояндаси сўзларига асосланиб: «Ўзбекистонда бошқа собиқ СССР республикаларига қараганда ҳақиқий давлатчилик мавжуд, бу ерда сўз ва иш бирлиги таъминланган. Мамлакатнинг муваффақияти ана шунда, аслида бундай натижа Қозоғистонда кутилган эди», — деб сўзини якунлайди муаллиф.

Бошқа «Ля Трибюн» француз газетаси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишини шарҳлаб, мухбир Элизабет Рошар мақоласини «Инжиниринг фирмаси Бухорода 1,5 млрд. доллар қийматга эга бўлган нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини якунлади», «Ўзбекистон ўзини Марказий Осиё давлатлари ичида тобора ривожланаётган давлат сифатида тасдиқлаяпти» деб ёзади.

Журналист ушбу сўзларининг тасдиқи сифатида СССР тарқалгандан сўнг кўп ўтмай Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистон энг истиқболли давлат бўлиб туюлар эди, дейди. Қозоқларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши бирмунча чўзилар экан, Ўзбекистоннинг минтақадаги аҳамияти тобора оша бошлади. Аввалига Алматига шошилаётган таниқли америкалик ва осиёлик банк намояндалари, шунингдек ишбилармон кишилар эндиликда Тошкент томон йўл олмоқдалар.

Жўра ДЕҲҚОНОВ,
Жаҳон ахборот агентлиги,
Париж.

Ҳиссадорлик жамиятларида

БАРҚАРОРЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

— Бу ҳиссадорлик жамияти шифер ва асбоцемент қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унда ҳар йили кўплаб тайёрланаётган бундай қимматли биноқорлик материаллари вилоятимиздагина эмас, бутун мамлакатимиз қурилишларида ҳам кенг фойдаланиляпти. Шаҳарлар ва қишлоқларда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётган ҳозирги вақтда очиқ турдаги «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотларига ҳам талаб ошмоқда.

Лекин, кейинги йилларда турдош корхоналар, айниқса, ҳом ашё етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларнинг сусайганлиги корхона жамоаси фаолиятига ҳам салбий таъсир қилди. Асбоб-ускуналар ва хом-ашё харид қилиш мураккаблашди. Чунки, уларнинг анчагина қисми четдан олинарди. Бу узилиш шиферчилар ишида катта қийинчиликлар вужудга келтирди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камая борди. Лекин корхона маъмурияти ишлаб чиқаришни юксалтиришга хизмат қилувчи имкониятларни излашни ва уларни ишга солишни тўхтатмади.

Бу саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги ойларда ижобий силжиш юз берди. Ишлаб чиқариш суръатлари ортмоқда. Ҳозирга келиб маҳсулот тайёрлаш ҳажми бўйича ўтган йилги даражадан ошиб кетилди. Буюртмаларни бажаришдаги қолоқлик деярли барҳам топди. Тайёрланган асбоцемент қувурларининг умумий узунлиги шартли 200 километрдан ошиб кетди. Шифер ишлаб чиқариш ҳажми 2,9 миллионтага кўпайди.

Корхона жамоаси истеъмол бозорига маҳсулот етказиб беришда дуруст натижаларга эришмоқда. Бу кўрсаткич бўйича биринчи ярим йиллик якуни ўтган йилнинг шу давридагига қараганда салмоқлироқ бўлди. Истеъмол бозорига деярли 304 миллион сўмлик шифер, асбоцемент қувурлари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан эса 3,9 фоиз кўпдир. Сентябрда ҳам ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Тарқатилган акциялар эгалари ҳар бири юз сўмлик қимматли қоғоз ҳисобига 66 фоиздан дивиденд олдилар. Ўртача маош 4 минг сўм атрофида бўлмоқда.

Бу, аввало, ҳом ашё етказиб берувчиларни топиб, улар билан ҳамкорлик қилиш туфайли содир бўлаяпти. Жумладан, Москвадаги «МАКС КО» масъулияти чекланган жамият билан асбест етказиб бериш тўғрисида тузилган контракт ишлай бошлади. Бу жамият корхонани 1 миллион 440 минг АҚШ долларилик шундай ҳом ашё билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди. «Виртехинвест» Америка — Ўзбекистон кўшма корхонаси орқали 1 миллион 200 минг долларлик техник мовут, металл тўри оладиган бўлинди. Белоруссдаги фирмалар билан асбоб-ускуналар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳақида келишиб олинди. Оренбургдаги «Техносервис МЖС» масъулияти чекланган жамиятдан асосий ҳом ашё — асбест олиш бўйича шартномалар имзоланди. Бу корхона ва ташкилотлар материалларни «Оҳангароншифер»га жўнатишни бир маромда бошлаб юбордилар.

— Бироқ бизни бир муаммо қийнамоқда, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг бош директори Ураим Ирискулов, — у ҳам бўлса сўмни конвертация қилишдир. Корхонамиз хориждан келтирилаётган ҳом ашё ва материаллар ҳақини эркин алмаштириладиган валюта билан тўлаш ҳуқуқига эга. Лекин валютанинг ўз вақтида алмаштириб берилмаслиги оқибатида ҳом ашё етказиб берувчи айрим хорижий фирмаларнинг ишончи йўқотиляпти, катта зарар кўраяпмиз. Шунинг учун ҳам Республика Молия вазирлиги ва «Ўзқурилишматериаллари» ҳиссадорлик компанияси раҳбарлари корхона жамоасига бу муаммони ҳал қилишда ёрдам беришларини истардик.

Бу муаммони бартараф этиш йил бошидаги қолоқликка барҳам бериб, ишлаб чиқаришда барқарорликни таъминлашга астойдил интилаётган ҳиссадорлик жамияти жамоасининг янада самарали ишлашига ёрдам берган бўларди.

М. МАҲМУДОВ,
Д. АҲМЕДОВ.







Суратларда: корхонанинг цехларидан бири (чапдан); айланма печ машинисти Улканбой Марасулов (юқорида); илғор цементчиларидан Музаффар Маматов ва Дониёр Қаршиевлар иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОДАМЛАР УЧУН ЯШАШНИНГ ЎЗИ БАХТ

БИЛАМАН, кимларгадир, бу сўзларим баланд парвоз туюлар. Аммо касбим муаллим бўлганлиги ва қирқ йилдан ортиқ шу соҳада ишлаб, меҳнатим роҳатини кўраётганим, умрим беҳуда ўтмаётганлиги учун бу фикрни баралла айтяпман. Зеро, ўтган йиллар мобайнида қилган хизматларим шогирдлар, маҳалладошлар, фарзандларим тимсолида ўз ифодасини топди.

Бундан беҳад мамнунман. Бир неча йилдирки, пенсиядаман. Ўзим истиқомат қиладиган Муқимий номли маҳалла аҳли ишонч билдириб, оқсоқолликка сайлаб қўйган.

Очиғини айтай, маҳаллага бошчилик қилиш бундан 20—30 йил аввалгидан кескин фарқ қилади. Бу кичик ватаннинг ҳаётига ошуфта бўлишига оқсоқол ва унинг фаоллари масъул бўлиб қолганликлари ҳаммага аён. Энг муҳими одамлар буни тушуниб етишди. Демак, шу маънода маҳаллани катта хонадон дейиш мумкин.

Ҳар бир хонадоннинг саранжом-саришта, рўзғори бут, файзли бўлиши унинг эгаларига боғлиқ. Битта шугина эмас. Маҳалла аҳлининг маънавий, маърифий савияси, рўй бераётган воқеаларни илғаб олиши, улусга муносабати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки мустақил мамлакатимизнинг ислоҳотлар йўлидан илдамлашида ҳар бир инсоннинг билим ва малакаси алоҳида ўрин тутади.

Маҳалламиз фаоллари иш юритишда ана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор бермоқдалар. Бу борада ўз иш режаларимизга эгамиз. Эълон қилинган фармонлар, қарорларни аҳолига тушунтириб боряпмиз. Бу эса фаолият юргизишда ўзимизга қулайлик туғдиряпти. Ҳар бир ҳужжат ҳақида одамлар қайта-қайта саволлар билан мурожаат қилавермайдилар. Тушунтириш ишларига ҳудудимиздаги мактаб зиёлилари ҳам вақтиваҳти билан жалб этиб турилади. Биз мустақилликка эришган йилимизданоқ бу услубдан фойдаланиб келяпмиз. Президентимизнинг кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаш, ҳайрия жамғармалари, пенсиялар ва нафақаларни оширишга доир барча ҳужжатлари мазмунидан маҳалла тўла хабардор.

Маҳаллада барча ишлар силлиқ боряпти, десам нотўғри бўлади. Кам таъминланган оилаларга маблағ ажратишда баҳслар бўлиб туради. Гоҳо ўзига тўқ кишилар ҳам «юлқиб»

Маҳалла — қадрдон маскан

қолишга интиладилар. Бу борада ҳамиша қонунга таяниб иш юритаётганлигимиз туфайли ортиқча мунозараларни, аччиқ аразларни вақтида бартараф этиб келяпмиз.

Маҳалламиз боқимандалик кайфиятидан холи. Биз ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ораталик ишларини ўз кучимиз билан амалга оширишга ўрганганмиз. Шу йўл билан фаоллар идорасини курдик, дўкон тикладик, сартарошхонани таъмирладик. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида нон, гўшт, сут, резавор кўклар сотадиган савдо шохобчалари очилди. Улар хизматини одамларга энг қулай пайтларда ташкил этганмиз. Яъни кечқурун соат 10—11 гача дўконларимиз очиқ.

Кейинги йиллар ичида «Маҳалла — тарбия ўчоғи» деган гап кўп қўлланиладиган бўлиб қолди. Аслида бу гап қадим-қадимлардан маълум. Хонадонда рўй берган келишмовчиликлар билан маҳалла фаолларининг вакиллари шуғулланиб келишган. Ҳозирги пайтда ҳам шундай ҳолатлар рўй бериб туради. Айниқса, ёш оилалар жанжаллари тез-тез учрайди. Уларни ижобий ҳал қилиш, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар қўмитаси раисининг малакаси, савияси, нотиқлиги ва ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Ҳеч бир оилавий жанжалда икки томон бир-бирига «қора суртмай» иложи йўқ. Биз шунда иккала томонни босиқлик билан эшитиб бўлгач, аҳлоқий тарбия, қонун йўли билан, кези келганда болам-бўтам қилиб, тушунтиришга интиламиз. Мақтаниш бўлмасину, аксарият ҳолларда оила тикланиб кетади.

Баъзан қўни-қўшни, қариндошларнинг лоқайдлиги туфайли ёшлар жиноий йўлларга кириб кетадиган ҳолатлар ҳам бўлади. Оилада боланинг қадам олишига эътиборсизлик нохушликларга олиб келади. Шу боис, мазкур уч бўғинда ҳуқуқий тарбияга эътибор беришимиз керак. Менга қолса, биринчи синфданоқ, алифбо ўқитиш баробарида ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйган бўлардим. Бошланғич синфларда буни эртаклар айтиш, яхши нимаю ёмон нима ҳақида кўпроқ эркин, енгил суҳбатлар ўтказиш, маҳалла-кўй, оилада эса юқоридаги каби бола «бежо қадам» қўймаслигини назорат остига олиш яхши натижалар беради.

Маҳалла — унда туғилган ҳар бир фуқаронинг кичик ватани. Инсоннинг бутун фазилатлари, турмуш тарзининг қиёфаси ана шу масканда рўй-рост кўринади. Шундай экан, шу ватанда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг тақдири шаклланишида маҳалланинг аҳамияти катта. Фаолларимиз аҳоли билан ишлашда ана шуни доимо ҳисобга олмоқдалар.

Анвар МИРБОБОЕВ,
Тўйтепа шаҳридаги Муқимий номли маҳалла қўмитаси раиси.

ФИДОЙИЛАР

Пойтахтимиздаги 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ташкил этилганига 70 йил тўлди

Дунёда савоб ишлар кўп. Лекин бировнинг дардига малҳам бўлмоқ, уни касалдан фориғ этиб, яна сафга қўймоқ ҳаммасидан савобли ва улуғ ишдир, дейдилар. Шу кунларда ташкил этилганлигининг 70 йиллигини нишонлаётган 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасида ана шундай фидойилар меҳнат қилишади. Етмиш йил ичида бу ерда қанчадан-қанча шифокорлар меҳнат қилди, элга танилди, қанчадан-қанча беморлар ўз дардига малҳам топди. Айни кунларда ҳам бу шифо масканида меҳнат қилаётган жамоа ўзининг бутун саъй-ҳаракатини халқимиз саломатлиги йўлида сафарбар этмоқда. Биз яқинда ушбу шифохонанинг бош шифокори, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Маҳмудова билан мулоқотда бўлдик.

— Дилбар Маҳмудовна, шифокорлар ҳамиша эл ардоғида бўладилар. Зеро, сизларнинг меҳнатингиз ана шундай ҳурматга лойиқ. Таъбир жоиз бўлса Сиз раҳбарлик қилаётган 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасини нафақат пойтахтда, балки республикада ҳам билмаган киши кам топилади. Бугун етмиш йиллик тўйини нишонлаётган бу шифо масканининг фаолияти ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, 1927 йилда 60 ўринга мўлжаллаб ташкил этилган бу шифохона ўзининг бой тарихига эга. Юқумли касалликларни даволаш бўйича бу ерда кенг кўламли ишлар қилинди. Муолажанинг янги усуллари очилди. Ҳозирги кунда бизнинг муассасамизда бир йўла 450 бемор даволанмоқда. Шуни айтиш керакки, шифохона нафақат ўзининг муолажалари, балки тиббиёт олийгоҳлари талабалари ва олимларининг ҳам асосий таянч марказига айланди. Бу ерда Тошкент тиббиёт олийгоҳи, педиатрия институти, шифокорлар малакасини ошириш институтларининг кафедралари, бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мен шуни фахр билан айтаманки, бу масканда республикамизда турли юқумли касалликлар бўйича катта ишлар қилган олим-шифокорларимиз меҳнат қилмоқдалар. Иса Мусабоев, Шабот Хўжаев, Мунира Ибрагимова, Каримжон Рихсиев, Людмила Потатуева, Омонилла Тожиев, Жаннат Ҳайдарова, Софа Галиулина, Гўзал Усмонова, Раъно Назарова ва бошқа шу каби кўплаб шифокорларимиз ҳали-ҳануз биз билан эл саломатлиги йўлида меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳамкорликдаги изланишларимиз туфайли бу масканда қанчадан-қанча шифокорлар малака ошириб, республикамиз вилоятларидаги шифохоналарга йўл олдилар. Айниқса, шаҳримизда ягона бўлган «Жигар маркази»нинг очилиши бу хасталикка чалинган беморларни даволашда жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Демоқчиманки, етмиш йиллик вақт биргина бизнинг шифохонамиз мисолида республика соғлиқни сақлаш тизимида, халқимиз саломатлиги йўлида жуда катта янгиликларни очиб берди.

— Дилбар опа, юқумли касалликлар деганда халқимиз кўпроқ ич кетиш ёки сариқ касаллигини тушунадилар. Биз шифохонада бўлганимизда унинг фаолияти ниҳоятда кенгайиб бораётганлигини кўрдик. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғри таъкидладингиз. Юқумли касалликлар киши саломатлиги учун ўта хавфли бўлиб, унинг жуда кўп турлари мавжуд. Хусусан, бизнинг шифохонамизда янги туғилган чақалоқдан бошлаб катта ёшдагигача бўлган беморлар даволанадилар. Ҳозирги кунда касалхонада менингит, гепатит, сувчечак, кўкйўтал, қизамиқ, ичкетар сингари халқимиз тилида таниш бўлган касалликлардан ташқари, қизил кўйлак, бўғма, тепки, стофилококк, клебцилла сингари анчагина мураккаб касалликлар бўйича ҳам муолажалар ўтказилмоқда.

Бу ўз-ўзидан ҳар бир шифокордан доимо изланишни, ҳар бир беморга ниҳоятда эътибор билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Шуни айтиш керакки, жамоамиз бундай ишончни оқлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўктам Мўминов, Ольга Филолова, Гиёс Маҳмудов, Муҳаббат Собирова, Татьяна Нурмуҳамедова сингари шифокорларимиз, Дилфуза Иноятова, Наташа Шербакова, Муҳтабар Сулаймонова, Сожида Қўйчиева, Дилбар Тошкенбоева сингари ҳамшираларимиз ана шундай фидойи инсонлардир. Бугун шифохонамиздаги эсдалик дастхатларини ўқисангиз уларнинг номига битилган кўплаб миннатдорчилик сатрларига кўзингиз тушади.

— Республикамиз ўз мустақиллигига эришгач, ҳамма соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, республика ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ислоҳотларни чуқурлаштиришга, муолажа сифатини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган шифохонада ҳам катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик...

— Бусиз мумкин эмас. Республикамиз бўй-басти билан, ўзининг тараққиёт йўли билан дунё ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Бу ўз-ўзидан соғлиқни сақлаш тизимига ҳам тўла тааллуқлидир. Ўтган олти йил ичида пойтахтимизда кўплаб соғлиқни сақлаш соҳасига оид дунёвий илмий-амалий конференциялар ўтказилганлиги, шифокорларимизнинг тараққий этган давлатларда малака ошириб келаётганлиги, тажрибалар алмашаётганлигимиз, ҳамкорликда меҳнат қилаётганлигимиз бунинг ёрқин мисолидир.

1-шаҳар клиника шифохонасида ҳам ана шундай кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, юқумли касалликларнинг олдини олиш, муолажа сифатини яхшилаш, бўлимларимизни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта, ҳали ишимизда муаммолар кўп. Лекин уларни бартараф этиш учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Бизнинг ягона мақсадимиз юртимиз тинч, халқимиз соғ-саломат бўлсин. Ана шундагина биз шифокорлик касбини, оқ халатнинг обрў-эътиборини сақлаган бўламиз.

— Дилбар опа, имкониятдан фойдаланиб, биз ҳам кўп сонли муштарийлар номидан шифохона жамоасини етмиш йиллик тўйлари билан чин дилдан кутлаймиз. Элимиз қатори сизлар ҳам соғ-саломат бўлинглар, кўлингиз дард кўрмасин.

— Катта раҳмат. Мен имкониятдан фойдаланиб, шифохонанинг етмиш йиллик тўйини ўтказишда ҳомийлик қилаётган «Нестле корпорацияси», «Бристол Мейерс Сквиб» (АҚШ), «Бофур — Ипсен интернационал», «Лек Д.Д.» фирмаларига самимий миннатдорчилигимизни билдираман.

Суҳбатдош: Хонбиби ҲИММАТ қизи.

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Пахта-97: бизнинг суҳбат

ОҚИЛ ИШНИНГ ОХИРИ ЯХШИ БЎЛАДИ

Йил бўйи янгийўллик пахтакорларнинг меҳнат шижоатлари ҳақида кўп ёздик. Мана, бор ҳосилнинг асосий қисми хирмонга тушиб бўладиган октябрь ойи ҳам ўтяпти. Хўш, Янгийўлда йиғим-терим қандай бораяпти? Яқинда мухбиримиз тумандаги бир қатор хўжаликларда бўлиб, мавсум тақдирини белгилаб бераётган кишилар билан суҳбатлашди, йиғим-теримнинг бориши билан атрофлича танишди.

ҲАР БИР КИШИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

ВАҲОБ ЗУФАРОВ, Н. Ниёзов номли жамоа хўжалиги раиси: — Шу кунларда 500 дан кўпроқ киши этак тақиб пахта термоқда. Янгийўл шаҳридаги тиббиёт коллежи, шаҳар касб-ҳунар билим юрти, мактаб ўқувчилари, туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимларидан иборат 200 нафар ҳашарчилар ҳам улардан қолишмай йиғим-теримда иштирок этмоқдалар.

Кунига 3,5 фоиздан ошириб пахта топширяпмиз. Айниқса, 5 та терим агрегатлари хирмонга барака киритмоқда. Абдукул Валиқулов, Раҳмат Сатторов каби механик-ҳайдовчилар кунига беш тоннадан ошириб ҳосил термоқдалар.

Хўжалигимизда терим суръатининг ўсиб бораётганига яна бир сабаб — теримчи ва механизаторларни, шунингдек далага чиққан ёрдамчиларни вақтида рағбатлантираётганимиз, уларнинг меҳнат ҳақини ҳар беш кунда узлуксиз бериб бораётганимиздадир. Бошқарув қарори билан беш кунда бир тонна пахта териб топширган оилага беш килограммдан пахта ёғи ҳам бепул берилянпти. Булардан ташқари, бошқарув Назарали Ниёзов номли мукофот ҳам таъсис этиб, уни режасини биринчи бўлиб бажарган бригадага тақдим этмоқчи. Совринга битта катта қўй ва 5 минг сўм пул мукофоти киритилган.

Мен юқорида йиғим-теримда ҳар бир кишининг ўз ўрни бор, деб бежиз айтмадим. Бундан кейин ҳам теримчиларнинг сонини кўпайтириб борамиз.

МАШИНАНИНГ ЙЎРИҒИ БОШҚА

МАҲМУД АКРОМОВ, Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигининг бош муҳандиси: — 635 гектар пахтамиз бор. Ялпи хирмон 1890 тонна тош босиши керак. Ҳозирча 3,5 фоиздан ошириб ҳосил топширяпмиз.

Куни кеча бригадалар, теримчи ва механизаторлар ўртасидаги навбатдаги беш кунлик мусобақанинг якунини чиқардик. Абдулла Ўринбоев, Саидаҳмад Раҳимҳўжаев бошлиқ бригадалар, Санобар Абдуллаева, Зилола Нурматова, Нафиса Қўйимуродова, Зулфия Болтабоева, Карима Ортиқова каби теримчилар илғор деб топилди. Уларга кўпчиликнинг орасида мукофотлар бердик.

Яна бир янгилик: ижарачилардан Шарифа Амалова ва Ҳайри Омонбоева ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтариб, шартнома шартларини бажаришди. Ижарачиларга тараф йўқ. Чунки улар қанчалик кўп ҳосил етиштириб, уни қанчалик эрта муддатларда йиғиб-териб олишса шунча кўп манфаат кўришларини биладилар.

Хўжалигимиз аъзолари Президентимиз Ислом Каримов Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлганларида таъкидлаганларидек, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиб-териб олишга ҳаракат қиляптилар. Негаки, эрта тайёрланган пахтанинг нави ҳам юқори бўлади, даромад кўпаяди.

Ўрни келганида мен яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Президентимиз ўз сафарлари чоғида пахтачиликни, айниқса пахта йиғим теримини механизациялаштиришга алоҳида эътибор бердилар. Мен муҳандисман, техника билан тиллаша оламан. Шу сабабли машина-трактор паркларини янги техника воситалари билан тўлдириб бориш, хўжаликларнинг ундан фойдаланишини осонлаштириш пайти келди, деб ўйлайман. Негаки, юксак унум билан ишлайдиган техникасиз деҳқончиликнинг истиқболи йўқ.

РЎЗГОРИ БУТНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

ЗУҲУР ЗОИДОВ, «Тинчлик» жамоа хўжалиги раиси: — Куни кеча хўжалик бўйича беш кунлик иш якунларини чиқардик. Буниси йиғим-терим бошлангандан бери олтинчи якун ҳисобланади. Мана, ушбу якун натижаси: Икром Назаров бошлиқ звено беш кунликда 23,2 фоиз ўсишга эришибди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада эса Ҳайриддин Ғуломов 21 тонна пахта териб, ғолиб бўлди. Хирмон ишчиларидан Икром Асқаров ҳам мукофот эгаси бўлди.

Хўжаликда одамларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу сабабли терим суръати кун сайин ўсиб боряпти. Бригадалар эса тобора маррага яқинлашмоқдалар. Хўжалик бошқаруви шуни эътиборга олиб режасини биринчи бўлиб бажарган бригадага соврин учун 30 минг сўм, иккинчи бўлиб бажарган бригадага 20 минг сўм, учинчи бўлиб ваъдасини уддалаган жамоага эса 10 минг сўм мукофот бериш ҳақида қарор чиқарди.

Биз режани шу ойнинг ичида бажаришни режалаганмиз. Бунга эса имкониятларимиз етарли.

Янгийўл тумани хўжаликлари бу йил 19,4 минг тонна пахта тайёрлашни режалаштирганлар. Йиғим-теримда 15 мингга яқин киши қатнашяпти. Янгийўл шаҳри ва туман марказидаги ташкилот ва муассасалардан 5 мингга яқин ишчи ва ходимлар пахтакорларга имкон қадар ёрдам бермоқдалар. 41 та терим агрегати, шу жумладан, 6 та «Кейс» комбайнлари ишга тушгач, терим суръати кескин ошди.

— Биз теримчилар сонини янада кўпайтириш учун ҳаракат қиляпмиз, — дейди туман ҳокими Йўлдош Тожибоев. — Имкониятларни чамалаб чиқдик. Яна 2-3 минг кишини пахта йиғим-теримига жалб қилишимиз мумкин экан. Бу — терим суръатини ошириб, йиллик режани шу ойнинг ўзида бажарамиз, деб айтишга тўла асос бўлади.

Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОҚСОҚОЛНИНГ ЎЗИ БОШ

«Ниёзбош» жамоа хўжалиги далаларида терим суръати тобора ошиб бораётир. Бунда албатта, оқсоқоллар кенгаши раиси Абдукарим ота Абдураҳмоновнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Абдукарим ота бошчилигидаги Йўлдош Муҳамедов, Тўлқин Бойқўзиев, Нормирза Абдураҳмоновлар бошчилик қилаётган маҳалла аҳли ялпи йиғим-терим ишларига жалб этилдилар. Улар Қушқар Аҳмедов етакчилик қилаётган 70 гектарлик пахта майдонида фидокорона меҳнат қилиб, терим суръатини авж олдиришаяпти. Маҳалла фаолларидан Санобар Абдураҳмонова, Шаҳло Ёдгорова, Фотима Сулаймонова, Гулбаҳор Исроиловаларнинг ҳар бири 80—90 килограммдан оқ-олтин териб, хирмонга барака қўшаётирлар.

О. НУРУШЕВ.

Хирмоннинг юксалиши кўп жиҳатдан мутасаддиларнинг ташкилотчилиги-ю, далада меҳнат қилаётганларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигига боғлиқдир. Пахтазорларни айланиб, теримчилар, хусусан ижарачи Жумабой Русалиевнинг ишлари билан танишган Бекобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти директори Алижон Воҳидов, «Далварзин» жамоа хўжалиги раиси Мўминжон Султонқуловлар йиғим-теримни янада жадаллаштириш учун яна бир қатор қўшимча чора-тадбирларни кўриш зарурлигини кўнгилларига тугиб қўйдилар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОЛАМНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР

«Суверен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч билдириб, унинг зиммасига юкланган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, ўй-хаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи керак», деб ёзади йўлбошчимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида. Мамлакатимиз раҳбари бу умуминсоний масъулиятни теран ҳис этган, бутун эътиборини шунга қаратгани туфайли юртимизда тинчлик, барқарорлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Ўзбекистоннинг турли қитъалардаги давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Пойтахтимиз Тошкент нуфузли халқаро ташкилот вакилларининг учрашув марказига айланиб бормоқда.

Шарҳловчи минбари

ЯҚИНДА мамлакатимиз пойтахтида юртбошимиз ташаббуси билан «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида йирик халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур семинарларни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад минтақавий хавфсизликни таъминлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан иборат эди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббуси тўрт йил муқаддам Ўзбекистон Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48 сессияси минбарида илгари сурилган эди. Бу олийжаноб ташаббусни минтақанинг беш мамлакати қўллаб-қувватлади. Ва шу йилнинг февраль ойида Марказий Осиё давлатлари Президентлари имзолаган Алмати декларациясида ўз ифодасини топди.

Халқаро конференцияда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилот, жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Шимолий Атлантика Ҳарбий Блоки, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Лотин Америкасида ядро қуролини таъқиқлаш бўйича агентлик вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Президентимиз нутқ сўзлаб, минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўли, ниҳоясига етмоқда, — деди у халқаро анжуманда, — шу нарсага аминманки, бугунги кунда яшаб турган ҳар қандай ақлли инсон бизнинг XXI асрга қай ҳолда кириб боришимиз, қандай қилиб уйимиз, мамлакатимиз, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз тўғрисида ўйга толади. Фожиали оқибатларга одамлар ўртасидаги йирик қурбонлар тузатиб бўлмайдиган хатоларга олиб келиши мумкин бўлган муайян хавф-хатарларга қарши қандай чора кўрамиз? Табиийки, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари хавфи бундай хавф-хатарлар ичида алоҳида ўрин тутади». Инсоният 1945 йилнинг кузида Осиёдаги икки шаҳар — Хиросима ва Нагасаки аҳолиси атом ҳужумига дучор бўлиб, бир неча лаҳзада неча минглаб одамлар ақл бовар қилмайдиган қийноқлар билан ҳаётдан кўз юмганлигини, уруш асорати ҳамон давом этиб келаётанини асло ёдидан чиқармайди. Агар халқлар тинчлик сақланишини қўлларига олсалар ва уни матонат билан ҳимоя қилсалар ёвуз кучларни жиловлашлари мумкин. Биз ҳеч қачон Марказий Осиё минтақаси ҳудудлари ташқарисида содир бўлаётган воқеликдан узилиб қолганимиз йўқ. Биз инсониятнинг бир бўлагимиз — олам эса бир бутунликдан иборат ва у бўлинмасдир. Биз барча бошқа давлатлар қатори жаҳоннинг ҳар бир бурчагидаги одамларнинг тинч ва хавфсиз яшашлари мақсади йўлида ҳаракат қилишни истаймиз. Марказий Осиё давлатларининг ялпи тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Тошкент халқаро анжуманига БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан йўлланган мактубда ҳам шу хусусда сўз боради. Мазкур ҳужжатни Бош котибнинг ўринбосари ва анжумандаги махсус вакили Владимир Петровский ўқиб эшиттирди. Мактубда жумладан, шундай дейилади: «Ядро қуролидан холи бўлган янги зоналарнинг вужудга келиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиб, ядро қуролни тарқатмаслик ва қуролсизланиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Ядро қуролидан холи ҳудудларни яратиш ғояси бутун жаҳон миқёсида кенг тарқалмоқда. Мен биламанки, Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари ҳам ўзаро сиёсий ҳамкорлик ва ишонч йўлидан бориб, ўз минтақаларида ядросиз ҳудуд яратиш ташаббусини илгари сурмоқдалар. Шу муносабат билан ушбу давлатлар томонидан имзоланган Алмати Декларациясини қўллаб-қувватлайман. Ядро қуролидан халос бўлиш инсоният учун кечиктириб бўлмайдиган масаладир».

Конференциянинг очилиш маросимида Ислом конференцияси Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Иброҳим Солиҳ Баер, Европа Иттифоқи вакили Падл Уилке сўзга чиқиб, ушбу икки ташкилот Марказий Осиё мамлакатларининг минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини тўла қувватлашини билдирди. Конференция доирасида «Ядро қуролидан холи ҳудудлар: халқаро тажриба, минтақавий хавфсизлик масалалари», «Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик қилишда МАГАТЭнинг аҳамияти» деб номланган учта сессиянинг бўлиб ўтгани анжуманнинг нуфузини янада оширди. Уларда БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан юборилган соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Минтақада ядросиз ҳудуд яратиш шартлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари бўйича ўзаро фикр алмашилди, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Анжуманнинг биринчи кунида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг Баёноти имзоланди. Унда минтақани ядросиз ҳудудга айлантиришдан кўзланган мақсадлар ва улардан келиб чиқувчи вазифалар кўрсатиб берилган.

Анжуманда булардан ташқари «Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги» шартнома талабларини белгилашда ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда МАГАТЭнинг роли мавзуида ҳам маърузалар тингланди, иштирокчи томонлар конференция якунлари бўйича ўз баёнотларини ўқиб эшиттирдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент анжумани дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. У дунёда тинчлик сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Анвар КАРИМОВ.

СЎЗ ДЕМОҚ ГАР ИСТАСАНГ...

Вилоятимизнинг барча пахтакор туманларида йиғим-терим ишлари жадал суръатда бормоқда. Ўзини бу ишга дахлдор деб билган ҳар бир пахтакорнинг мақсади ягона: тезроқ бригада, хўжалик, туман, вилоят кўзланган маррани эгалласаю аҳдига вафодор деҳқонларнинг кўнгли тўлса. Бундай дамларда ана шундай ният билан қизғин меҳнат қилаётганлар хузурида бўлиш, уларга руҳ бағишлаш ҳам хайрли ишдир.

Вилоят Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ташаббуси билан ташкил этилган ташвиқот-тарғибот гуруҳи Бўка тумани далаларида бўлишди. Бу ердаги юксак кўтаринкилик билан ишлаётган кишилар меҳнати самарасини кўриб қувонишди. Ана шу гурухда махсус мухбиримиз ҳам ишirок этди.

Олтин кузнинг осмони тиниқ. Далалар серфайз, кут-баракали, боғлар тўкин. Оппоқ тонгларга сайқал берган далалар оқ, хирмонлар оппоқ. Ҳамманинг фикру зикри далада, ҳосил тақдири хал бўлаётган пахтазорларда. Қаёққа қараманг, ўзгача сурур, ўзгача ғайрат, шижоат.

Бундай фаслда танижони соғ одам ўз ўрнини пахтазорда деб билади. Кимдир хирмонга тонналаб, кимдир килограммлаб ҳосил қўшади. Яна кимлардир терим қаҳрамонларини завқлантиради, оддийгина ширин сўз билан уларга маънавий озиқ беради.

Табиийки ижодкорлар йиғилган жойда ота-боболаримиз кўрсатган ҳиммат ва жасорат, мамлакат кўрку латофати, ижодкор бахти, юртимиз ободончилиги, тинчлик ва хотиржамлик боқийлиги ҳақида сўз боради. Суҳбат ўрнини шеъру бадиҳа, қўшиқ ва куйлар эгаллаши табиий бир ҳол. Айниқса, Бўка автокорхонасининг шофёри Ёркин Жамолов содда, дўлворлик билан ҳамюртларининг турфа одатларини шоша-пиша сўзлайди. Имкони борича гурунг ахли билан яқиндан танишиб олишга интилади.

Шундай дилбар суҳбатлару турфа ҳангомалар оғушида манзилга етиб келганимизни сезмай қолдик. Ташвиқот-тарғибот гурухининг аъзолари — вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Холтўра Шафоатов, Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази вилоят бўлими бошлиғи Раҳматилла Шералиев, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ижрочи раҳбари Собиржон Муталов, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котибаси, шоира Шарифа Салимова, олмоншунос олима Гулсара Абдуқодирова, ёш ёзувчи Тўлқин Эшбек, Бўка тумани маданият бўлимининг Облоқул Маматқулов бошчилигидаги «Нурафшон» гуруҳи хонандасозандалари, Бўка тумани ҳокимининг муовини Пўлат Абдулазизов бошчилигида Барот Умаров номли жамоа хўжалиги дала шийпонига етиб келдик.

Ташвиқот гуруҳи йўлга чиқди

Шуни мамнуният билан таъкидлайманки, бу сафарги учрашувимиз ўқитувчилар ва мураббийлар ўз байрамларини нишонлаётган кунга тўғри келди.

Бўка тумани халқ маорифи бўлими мудири Бахром Мусулмонов шундай ҳикоя қилади:

— Муҳтарам Юртбошимизнинг Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимида бўладиган ислоҳот тўғрисидаги нутқи ҳамда Республикамизда илк бора урфга кира бошлаган ўқитувчилар ва мураббийлар кунини нишонлаш тўғрисидаги қарорининг эълон қилиниши биз — маориф ходимларини ҳам руҳлантириб юборди.

Албатта, Бахром ака камтарлиқ қилиб, ўтган истиқлол йилларида биргина Бўка туманидан уч нафар мураббийлар ва ўқитувчилар Юртбошимиз фармони билан олий мукофотларга сазовор бўлганлигини айтиб ўтирмади. Куни кеча Бўка тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Шарофиддин Сирожиддинов I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлиги ҳам бўкалик барча муаллим ва мураббийлар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Шу куни тушлик пайтида ёзилган дастурхон атрофида ўтирган ўқитувчилар, мураббийлар ва устозлар ташвиқот-тарғибот гурухимиз иштирокчиларининг суҳбатларини, дилбар шеърларини, «Нурафшон» дастасининг хушовоз хонандаси Озодбек Алимбоев ижро этган дилрабо қўшиқларни мириқиб тинглашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ва мураббийлардан бир гурухи вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимларининг махсус совринларига сазовор бўлишди. Ижодкорларимиз эса ўз китобларига дастхатлар ёзиб, илғор ҳашарчи-теримчиларни хушнуд этишди.

Ғаффор Азаматов номли жамоа хўжалиги дала меҳнаткашларига баҳолиқудрат ёрдам бериш мақсадида келган Ангренлик ҳашарчи йигит-қизлар ҳам гуруҳимиз томонидан уюштирилган учрашувдан хурсанд бўлишди.

Кеч кириб, уфқ қизарди. Демак, эртага янада яхши, нурафшон кун бўлади. Пахтакорлару ҳашарчилар билан бўлиб ўтган учрашувлардан биз ҳам бир олам таассурот олиб қайтдик. Зеро, сўз айтмоқ бахти ҳамиша барқарор бўлсин, хирмонларимиз эса юксалаверсин, дея яхши ниятлар қилдик.

Шавкат ТУРОБ.

АКЦИЗ МАРКАСИ ҚАНИ?

Солиқчилар Тошкентдаги «Паркент» бозори бўйлаб икки кун давомида рейд ўтказиб, акциз маркаси ёпиштирилмаган 2 миллион 400 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва салкам 24 минг сўмлик спиртли ичимликларни қўлга туширдилар. Энди бу маҳсулотлар бир четдан ҳужжатлаштириб мусодара қилинаяпти.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 1 октябридан бошлаб акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни сотиш умуман таъқиқланган эди. Лекин айрим «чаққон» тадбиркорлар ҳуфя йўллар билан олиб келинган бундай маҳсулотларни солиқчилар кўзини шамғалат қилиб ими-жимида пул қилишда давом этавердилар. Қўлга тушганлар эса арзимаган жарима билан қутулиб кетавердилар. Оқибатда акциз маркасисиз маҳсулотлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлаверди. Чунки, ўша кезларда бундай маҳсулотларни давлат ҳисобига мусодара қилишга солиқчиларнинг ҳақлари йўқ эди. Фақат вақтинча сотишдан тўхтатиб турардилар-да, эгалари акциз маркаси олиб келиб елимлагач яна сотишга рухсат берардилар.

Энди тартиб бошқача. Республика Президентининг шу йил 12 июндаги «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркалари қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ давлат солиқ қўмитасига акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар республикамизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

«Паркент» бозорида ўтказилган рейд давомида фармон талаблари асосида иш кўрилди. Рейд ўтказилган кунлари катта миқдордаги акциз маркасиз маҳсулотлар сохта тадбиркор Ж.Холмуҳамедовдан чиқди. У 498.7 минг сўмлик 11590 пачка сигареталарни сотаётган эди. Фуқаро З.Кобиловдан эса жами 470.2 минг сўмлик бўлган 9420 пачка сигареталар олиб қўйилди. Э.Душаева ҳам жами 349.3 минг сўмлик бўлган 3010 пачка сигареталарни сотишга чиқарган пайтда қўлга тушди. Амалдаги қонун-қоидаларга зид иш тутганликлари, даромадни яширганликлари учун улар устидан жиноий иш қўзғатилди. Ноқонуний йўллар билан олиб келинган маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Солиқчилар фош этади

Енгил йўллар билан пул топаман деб «Паркент» бозорида ўралашиб юрганлар орасида Бекобод тумани фуқароси Ё.Комилов ҳам бор эди. У 49 минг 200 пачка ҳужжатсиз сигаретани айланма йўллар орқали олиб келиб арзонгаровга пуллаётганида солиқчилар қўлига тушиб қолди. Қўшниси М.Мадумаровнинг акциз маркасиз сигареталари бундан ҳам кўп эди. У бож тўламай олиб келган 127 минг 870 пачка сигаретани ими-жимида «гумдон» қилиб мўмайгинг даромад олмоқчи эди. Лекин мақсадига эриша олмади. Солиқчилар қўлга туширган сигареталар давлат ҳисобига мусодара қилинди, ўзлари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Акциз маркаси елимланмаган спиртли ичимликлар ҳам у ер, бу ерда пайдо бўлиб турипти. Солиқчилар ўша куни ўтказган рейд давомида Оҳангарон тумани фуқароси У.Шеровнинг сири очилиб қолди. У акциз маркасиз 70 шиша «Ўзбекистон» ароғини бозорнинг ўртасида бемалол сотиб ўтирган пайтда маҳсулоти мусодара қилинди, ўзига эса каттагина жарима солинди.

Афсуски, фақат «Паркент» бозорида эмас, туманлардаги савдо шахобчаларида ҳам акциз маркаларисиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни сотиш давом этмоқда. Ўртачирчиқ тумани солиқчилари ўтказган рейдлар давомида бу яна ҳам яққолроқ сезилди.

Туман солиқчилари ўтган қисқа вақт ичида акциз маркасиз сотилаётган 125 минг 421 сўмлик спиртли ичимликлар ва 44 минг 740 сўмлик тамаки маҳсулотларини қўлга туширдилар. Бундай маҳсулотларнинг каттагина қисми хусусий дўконлардан чиқаяпти. Солиқчилар «Классервис» хусусий корхонаси бўйлаб текширув ўтказишганида салкам 10 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 20 шиша спиртли ичимликлар акциз маркасиз сотилаётганлиги маълум бўлди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек бу «касаллик» тумандаги «Шуҳрат» хусусий корхонасига ҳам юқибди. Текширув давомида бу корхона дўконидан акциз маркасиз сотилаётган 16 минг 665 сўмлик спиртли ичимлик чиқди. «Миркамол» хусусий корхонаси ҳам акциз маркаси учун ортиқча чиқим қилмай 107 шиша спиртли ичимликлар ва 5400 сўмлик тамаки масулотларини пештахта остидан яширинча пулламоқчи бўлган экан. Бундай ножўя «қилиқлари» учун ҳар уччала корхона раҳбарлари қонуний жазоларини олдилар. Жами ўтказилган текширувлар натижасида 27 шахсга 19 минг 200 сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Акциз маркаси ишонч белгиси. Акциз маркаси билан маркаланган маҳсулотлар саломатлик учун хавфли эмас, улар талаб этиладиган технология асосида тайёрланган ва керакли текширувлардан ўтган бўлади. Акциз маркасиз маҳсулотларни истеъмол қилиш ниҳоятда хавфли. Улар қаерда ва қандай тайёрланганлиги номаълум. Бундай ичимликларни ичиб қўйиб заҳарланаётган, ҳатто ҳаётдан кўз юмаётган кишилар оз эмас. Шу боисдан маҳсулот олаётганда албатта акциз маркалигига қаранг. Маркаси бўлмаса бу маҳсулот қандай қилиб пештахтага чиқиб қолганлигини суриштиринг. Бунга ҳар бир истеъмолчининг ҳакқи бор.

Қонунбузарлар энди эсларини йиғиб олишлари керак. Амалдаги тартиб-қоидага риоя этмаган тадбиркор ва тижоратчилар ножўя ҳатти-ҳаракатлари билан ҳам мол-мулкларидан, ҳам обрўларидан айрилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Эл-юрт олдида юзим шувут бўлмасин десангиз ҳалол иш юритинг. Ғирром тижоратда барака бўлмайди.

Жасур НОСИРОВ
давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

ЁР-ЁР АЙТИНГ, ОПАЖОН...

Қадрият

Яхши қўшиқ, яхши шеър... Улар инсон руҳиятига нечоғли яқин, кўнгилга булоқдай сизиб киради, хуш насимдай юракка баҳорий кайфият бағишлайди. Гўзаллик ва нафосатга ошно қалбгина оҳанг мавжида тўлқиндай тебранади.

Мен оддий қишлоқ аёли, сариштa уй бекаси, саккиз фарзанднинг онаси Дариҳа опа Жўрабоеванинг халқчил қўшиқларини тинглаб, ўзимда ана шундай кечинмаларни туйдим. Унинг халқ оҳангидаги айтишувлари, «Омон ёр», «Хўжам норингдан», «Ёр-ёр»лари юрагим мавжини сел қилди.

Опани йўқлаб Чанги қишлоғига борганимда, унинг хонадонида меҳмон сингиллари — Мамлакат ва Санобар опаларни учратдим. Улар ҳам Дариҳа опа сингари қўшиқсевар эканлар. Опа-сингиллар айтишув бошладилар.

Юқоридан келаман
от ўйнатиб,
Тўйхонага кираман
ёр йўқотиб,
Тўйхонанинг эшиги арча экан,
Ойимларнинг кийгани
парча экан,
Айтинг, яна, айтишайлик.

Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Устида «алҳамд»
ўқийди қалдирғоч,
Қалдирғоч қанотига нил боғлади,
Бизнинг ёр кетарга бел боғлади,
Айтинг, яна, айтишайлик...

Оналаримиз, кекса момоларимиздан эшитиб турадиганимиз — «Хўжам норингдан» қўшиғидаги сатрлар кимнинг қалбини титратмайди дейсиз:

Дарё шундай тошарми,
Ўзанидан ошарми.
Ўша қолган ёримга
Худо мани қўшарми?
Хўжам норингдан-о.
Рўмолимда мушким бор,
Ўйнамоққа ишким бор.
Ўйнагани қўймади
Орамизда душман бор,
Хўжам норингдан-о...
Боққа кирсам, боғ шамол,
Ҳайдаримни ёзади.
Уйга кирсам ёр ёмон,
Юрагимни эзади,
Хўжам норингдан-о.
Рўмолим гажим-гажим,
Дарёнинг суви ярим.
Ўйнатгани қўймади
Дунёда кўнглим ярим...
Хўжам норингдан-о...

Кўз олдимда гўё олис кечмиш манзаралари намоён бўлади. От аравада янгасининг пинжига чирмовуқдай чирмашган навниҳол келинчак, ҳали етти ухлаб тушига ҳам кирмаган йигит-куёв кимлигини ҳам билмайди. У — ота-онасининг қайноқ бағридан ситилиб бораётган нолаваш андалиб. Унинг қисматида не ёзуғ бор — бош эгаси эҳтимол оқил-вафодор, эҳтимол қаҳри золим, тошбағир одам. Буниси ёлғиз Оллоҳга маълум...

«Ёр-ёр» қўшиғини тинглаганим сайин кўз олдимга келтираётган ўша ҳаёлий манзаралардан сира-сира йироқлаша олмайман:

Аравангнинг изига солдим кепак,
ёр-ёр,
Олиб келган қизимнинг бари
ипак, ёр-ёр,
Аравангнинг гупчагидан ўйдим
қошиқ, ёр-ёр
Куёв бола сўрасанг олтин ошиқ,
ёр-ёр...

Дариҳа опа санъатсевар оилада камол топган. Унинг фарзандлари ҳам санъат гулшанида унган чечаклар янглиғ онасига жўровоз бўлишди. Келини Садоқатнинг ҳам ўз овози бор. У гўдагини қайнонасидан ўрганган — нафис «Алла»лар билан ардоқлаб улғайтираётир. Қизи Дилрабо эса мумтоз санъат ихлосманди. У келгусида маданият олийгоҳига кириб ўқиш ва санъат сирларини кенгроқ ўрганиш ниятида.

Кунларимиз гоҳ сокин, гоҳ сертуғён ўтаверади. Баъзан шундоққина теварак-атрофимизда не-не жавоҳиротларга тенг истеъдод соҳиблари бизга ҳамнафас эканликларини сезмай яшаймиз. Эрта кўклам — яшиллик дунёси бўлмиш боғларимизни оралаб, бодом гуллари қачон очилгани-ю, ўрик қачон гуллаганини англолмай ҳайратда ёнган юрагимиз яхши қўшиқ тинглаганида ҳам «жиз» этиб кетиши шубҳасиз. Қанийди, бу юртнинг навқирон авлоди ҳам аждодлари қуйлаб ўтган дурдона қўшиқлар оғушида яшаса?! Уларнинг кўламини янада бойитиб давраларда баҳраманд бўлишса, ёш ва маъсума оналар мурғак гўдакларини алла айтиб ухлатсалар, қизлар мажлиси «ёр-ёр» садоларига ғарқ бўлса?! Қанийди!

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.
Паркент тумани.



Болалар келажагимиз, деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, кичкинтойлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир. Тошкент тумани халқ таълими бўлимига қарашли 28-»Дўстлик» болалар боғчасида 170 нафар кичкинтойлар тарбияланишмоқда. Бу боғчада болалар таълим олиб, эмин-эркин ўсишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Меҳрибон, ширинсўз мураббийлар болалар атрофида доимо парвона бўлишади.

Суратларда: услубчи Дилбар Қорабоева (чапдан иккинчи), тарбиячилар Муқаддам Комилова, Феруза Қорабоева ва Фотима Ёқубовалар билан суҳбатлашмоқда; тумандаги 10-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Лутфихон Носирова кичкинтойлар билан ўқув машғулотини ўтказмоқда, пастдаги суратда эса, мусиқадан машғулот пайти акс эттирилган.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Футбол — *Жаҳон биринчилиги*

ҚУРИЯ: 4 ЎЙИН, 4 ҒАЛАБА

ЖАҲОН биринчилиги финалида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун Осиё минтақасининг ўн жамоаси ўртасида саралаш учрашувлари давом этмоқда.

«Б» гуруҳида жамоалар биринчи даврага якун ясашди. Қурия футболчилари ўз майдонларида Бирлашган Араб Амирликлари жамоасини қабул қилишиб, 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар ва тўрт ўйиндан сўнг 12 очко билан якка пешқадамлик қилишмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларининг бу мағлубияти гуруҳда иккинчи ўрин учун курашни янада кескинлашишига олиб келиши мумкин. Қозоғистон ва Япония жамоалари ўртасидаги учрашув эса 1:1 ҳисобида тугади. 11 октябрь куни гуруҳда 2 та ўйин бўлади. Қозоғистон футболчилари пешқадам Қурия жамоасини қабул қилишади. Ўзбекистон футболчилари эса ўз майдонларида Япония терма жамоаси билан учрашади. Гуруҳда бугунгача турнир жадвалидаги аҳвол қуйидагича:

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
Қурия	4	4	0	0	10-2	12
БАА	4	2	1	1	7-5	7
Япония	4	1	2	1	8-6	5
Қозоғистон	4	0	2	2	2-9	2
Ўзбекистон	4	0	1	3	7-12	1

МҲСКми ЁКИ «НЕФТЧИ»?

Армиячиларнинг Бухорода 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраши ва «Нефтчи»нинг ўз майдонида «Трактор» устидан 4:2 ҳисобида ғолиб келиши чемпионлик учун курашни янада кескинлаштирди. Олтин медалларга асосий даъвогар ҳисобланган МҲСК ва «Нефтчи»ни ҳозирда тўрт очко ажратиб турипти.

УЧ очколик ҳисоб-китобда бу унчалик катта фарқ эмас. Ўтган йилги чемпион — «Навбаҳор» ҳам бу турда мағлубиятга учради. Наманганликлар Термизда «Сурхон»дан 0:1 ҳисобида енгилишди. «Дўстлик» Тошкентнинг «Чилонзор» жамоаси меҳмони бўлди. Ўйин 3:3 ҳисобида тугади. Ҳисобда ҳамиша майдон эгалари олдинда бориши. «Дўстлик»дан тўпларни В. Галянов, О. Шокиров ва Ю. Винтовкинлар киритишди. Мазкур турдан сўнг «Навбаҳор» ва «Дўстлик» жамоалари ҳисобида 56 тадан очко бор. Кескин курашда 4:3 ҳисобида «Насаф» жамоаси устидан ғолиб келган «Пахтакор» очколарини 53 тага етказди. Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Зарафшон» — 2:3, «Андижон» — «Атласчи» — 5:1, «Афросиёб» — «Косонсой» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 2:0.

«МЕТАЛЛУРГ» ОЛИЙ ТАБАҚАНИ КЎЗЛАМОҚДА

БИРИНЧИ табақа жамоалари баҳсида Қўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари келаси йил кучлилар гуруҳида иштирок этишга қатъий аҳд қилганликларини намойиш этишиб, мақсадлари сари дадил интилишмоқда.

Улар иккинчи ўринда бораётган «Металлург» жамоасидан 10 очко ўзиб кетишди. Бекободлик футболчиларнинг кучлилар гуруҳига чиқишлари учун ҳам имконият бор.

Улар ҳозирда иккинчи йўлланмага даъвогарлик қилишмоқда. Вилоятимиз вакиллари сўнгги турда ўз майдонларида «Шўрчи» жамоасини қабул қилишиб, 4:0 ҳисобида устун келишди. Иккинчи ўрин учун «Қизилқум» ва «Истиқлол» жамоалари ҳам даъвогар ҳисобланишади. Бироқ марра яқинлашган сари ҳар бир ўйин ва очконинг қадри ҳам ортмоқда. Собиқ пахтакорчи Я. Капров шогирдлари — «Металлург» мухлислар ишончини оқлаб, келаси йил олий табақага чиқиш учун сўнгги етти учрашувни (учтасини ўз майдонида, тўрттасини сафарда) баҳамжиҳат ва уюшқоқлик билан ўтказиши лозим бўлади.

БИРИНЧИ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ 37 ТУРДАН КЕЙИНГИ ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
«Темирйўлчи»	35	24	6	5	85-31	78
«Металлург»	35	21	5	9	73-37	68
«Қизилқум»	36	20	6	10	62-32	66
«Истиқлол»	35	19	7	9	71-43	64
«Шўрчи»	36	18	6	12	55-49	60
«Гулистон»	36	18	3	15	71-58	57
«Машъал»	35	16	8	11	59-49	56
«Кимёгар»	35	16	7	12	62-37	55
«Хива»	35	17	3	11	69-50	54
«Тўқимачи»	35	17	3	15	64-63	54
«Шаҳрихон»	35	15	7	13	52-40	52
«Шўртон»	36	15	6	15	57-56	51
«Лочин»	35	16	3	16	66-77	51
«Роҳат»	35	14	8	13	57-48	50
«Ситора»	36	16	2	18	68-76	50
«Орол»	35	15	4	16	53-60	49
«Боғдодчи»	35	14	5	16	51-58	47
«Бўкалик»	35	14	4	17	55-64	46
«Норин»	35	11	6	18	42-52	39
«Дўстлик»	35	9	7	19	46-74	34
«Зафар»	36	6	4	26	44-101	22
«Пахтаобод»	35	1	2	32	26-123	5

«БОРИЙ ЁМОНРОҚ БЎЛМА...»

ёки тўйдан кейинги аза

МУЛОҲАЗА

Инсон яхшини ёмондан, ҳалолни нопоқдан ажратишга қодир. Аммо, ҳали ҳозир яхши нимаю, ёмон нима, нималарнинг асли поку-нопок эканлигини ажрата олиш борасида баъзан инсонлар ҳам янглишади, шекилли. Дунёқарашнинг табиий ҳар хиллигини теран англамай туриб, қайсарларча тўғрилик ва ҳақлик даъвосини қилиш кўпинча кутилмаган нохушликларга сабабчи бўлишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Демоқчиманки, ҳамон маънавий эҳтиёж эмас жисмоний нафс талаблари устунлик қилмаяптимикан?!

Туманларимиздан бирида содир бўлган ажабтовур воқеа юқоридаги фикрларга далил бўлади, деб ўйлайман. Оқтепа қишлоғида яшовчи Акбарали ота топган-тутганларини жаъмлаб, эл-юрт олдига дастурхон ёзади. Ҳа, энди тўйчилик экан-да, баъзи тўйларимиз ҳамон спиртли ичимликларсиз ўтмаётганлиги ҳам рост гап. Аммо не-не умидлар билан элга тўй бериб, юртнинг кўнглини олиш ҳозирги кунда осон иш эмас. Биров ундоқ, биров бундоқ деганларидек, «хом сут ичган» банда эканмиз. Хуллас, яхши ниятлар билан қилинган тўй бир зумда азага айланиб, фожеа юз берди.

Биз воқеа иштирокчиларини ҳам, воқеа юз берган жойнинг ҳам номини тилга олмоқчи эмасмиз. Чунки, бўлар иш бўлиб, бўёғи ҳам сингиб кетган. Бусиз ҳам ўша ердаги кишиларнинг юзи шувит, бир-бирларининг юзига тик қаролмайдилар. Бўлган воқеада қисман бўлсада айбдорлик ҳисси доимо устун туради.

...Туман судининг ҳукми ўқилди. Муқаддам судланган Ҳикмат С. «Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 104 моддаси «д» банди билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, ЖКнинг 109 моддаси 2 қисми билан бир йилу икки ойга аҳлоқ тузатиш жазосига ҳам маҳкум қилинди. Жазони қаттиқ режимли колонияларда ўташлик белгилаб қўйилди.

Хўш, судланувчи қайси ҳизматлари эвазига бундай антиқа «мукофот»га сазовор бўлди? Суд хукмидан маълум бўлишича, Ҳикмат С., ҳамқишлоғи ўтказган тўйда мастлиги туфайли Бегмат Ҳ., билан жанжаллашиб қолади. Оҳир оқибатда жанжал муштлашувга айланади. Тан жароҳати олган Бегмат Ҳ. ни оғир аҳволда касалхонага келтиришади ва шу ерда у оламдан бевақт кўз юмади.

Албатта, мазкур қайғули воқеага биз ҳукамо бўлолмаймиз. Лекин ҳар қандай эҳтимолу-тахминларни бир чеккага қўйиб, тиниқ ва ойдин фикрга эрк берайлик. Бировнинг тўйи ёки маъракасида ўзига ортиқча эрк бериб обрў, гап талашиб, мен сендан ўтаман дегувчи, ўжарлик билан ҳақлик даъвосини қилувчи ақли ноқис кимсалар орамизда озроқ бўлсада ҳамон учраб туради. Бундай кимсаларга вақтида ақл бериш гарчи осон иш бўлмасада, ундай кишиларни ўз вақтида тергаб ёмон йўлдан қайтаришга қодир инсон бўлмоғимиз шарт.

Ўзим гувоҳи бўлган шундай воқеани эслайман. Тўй қизигандан қизиб борарди. Одамларнинг чеҳрасида мамнунлик. Шу пайт қаршимизда ўтирган ёш йигитчалардан бири ёнидаги шеригини туртиб, баралла шундай деди: «Фалончи қариндошимизнинг тўйида тўполон чиқарган эди. Мен ҳам уларга кимлигимни бир кўрсатиб қўйсаммикин?»

«Керакмас, маз-за қилиб ўтирибмиз-а», эътироз билдирди ҳамрохи. Кимдир йигитчанинг қўлига қадаҳ тутқазди...

«Сен ўзи дўстмисан, ёки...» авжига чиқди «жанжалкаш». Бирови у деди, бирови бу деди... Гап ўрмалаб тўй эгаларининг қулоғига етиб борди, шекилли, маҳалла оқсоқоли, кўпчиликнинг хурматини қозонган ўрта ёшлардаги киши оҳиста келиб даврага қўшилди. Расамадини келтириб салом-алик қилди, ҳаммани дуо қилган бўлди. Жанжал кўтармоқчи бўлган йигитчани яхши танир экан чоғи, ундан алоҳида ҳол-аҳвол сўради. Ота-онасининг яхши хислатларини эслади. «Сен яхши одамларнинг фарзандисан», деган маз-мунда олқади. Хуллас, жанжалнинг олди олинди.

Кўриниб турибдики, ҳар икки ҳолатда ҳам ёмонликнинг олдини олса бўларкан, ёки ҳар икки ҳолатда ҳам лоқайдликка йўл қўйилса, дастлабки холатдаги воқеа юз бериши муқаррар эди.

Албатта, Оқтепа қишлоғида юз берган воқеада одамларнинг лоқайдлиги, сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилида иш тутилгани учун ҳам бир навқирон йигитнинг умри ҳазон бўлди, оиласи, болалари чирқиллаб қолди. Иккинчи оиланинг аҳволи ҳам бунданда яхши эмас.

Шу ўринда яхшиямки дунёда тасалли деган кўнгилга таскин берувчи сеҳрли сўз борлигига жуда-жуда ишонгинг келади. Ана шу сўз бор экан, инсон бу ҳаётдан нимагадир умидвор бўлиб, яшайди. Кимгадир, нимагадир суяниб умригузаронлик қилади. Яхши ёки ёмоннинг фарқини ажрата олади.

Зеро улуғ шоиримиз Амир Алишер Навоий ҳазратлари: «Яхшиликни ёмонлиғдан яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ бўлма», дея лутф қилганларида нақадар ҳақ эканлар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

Ҳар тўғрида

ИСКОВУЧ РОБОТ

Американинг Тафта университети олимлари ғаройиб робот яратишди. Бу машинанинг бошқа роботлардан фарқи шундаки, у ҳид билишда «мана мен» деган исковуч итларни ҳам доғда қолдиради.

Илм-фан тарихида шу вақтгача «кўрадиган» ва «эшитадиган» роботлар ишлаб чиқарилар, аммо ҳид биладиганини яратишга ҳеч ким уриниб кўрмаган эди. Тафта университети профессори Дэвид Уолтнинг айтишича, роботнинг ҳид сезадиган ускунаси ҳар қандай шароитда 40 турдаги ҳидни аниқлаб бера олади.

Айни пайтда мазкур роботдан халқ хўжалигининг турли соҳалари билан биргa, ҳарбий саноатда ҳам фойдаланиш режалаштирилмоқда.

«ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК»

Французлар дунёда пиводан зўр ичимлик йўқ деб ҳисоблашади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бу ичимлик ўтган асрда ўлат касалига қарши қўлланган. «Пиво қонни тозалайди» деганлари ҳам рост. У танани хилт ва бошқа зарарли моддалардан тозалайди. Шунингдек, пиво эмизикли оналар сутини кўпайтиришда жуда қўл келади.

Французларнинг таъкидлашича, пиводан пардозандозда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпчилик аёллар сочини пиво билан ювади ҳамда уларнинг соғлом, қалин ва сержилолигига қандай эришганини сир тутиб юради...

Об-ҳаво

КУЗ ТАРОЗУСИ

САҲОВАТЛИ кузнинг тароватли дамлари ҳукмронликни ўз қўлига олишга киришди. Деҳқону миришкорларимизни бир томондан ҳосил чўғи, иккинчи томондан эса қимматли фурсат шошилтирмоқда.

Гидрометеорология марказининг ҳабарига кўра 8-12 октябрь кунлари Тошкент шаҳри ва вилоятимизда об-ҳаво ҳароратининг ўзгарувчан келиши кутилади. Шу кунлар оралиғида ҳаво ҳарорати аста-секин пасайиб, қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиш эҳтимоли бор.

Кечалари 12-17 даражадан, 5-9 даражагача пасайиши, кундуз кунлари эса, 24-29 даража харорат 18-23 даражагача тушади. Фақат ҳафтанинг оҳирига бориб ҳаво тафти 22-27 даражага кўтарилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДАН ДАРСЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ мактабларида жисмоний тарбия фани бўйича А. Авлоний номидаги педагогик кадрлар малакасини ошириш марказий институтининг жисмоний тарбия ва ҳарбий тайёргарлик кафедраси олимлари иштирокида ёзилган ўқув қўлланмалари ҳам бирин-кетин чоп этилмоқда.

Хусусан, 2—3 синфлар учун тайёрланган «Ҳаракатли ўйинлар» деб номланган ўқув қўлланмаси бу саъй-ҳаракатнинг дастлабки натижаси ўлароқ ўқувчиларга тақдим этилди.

— Ҳозир мактабларнинг 4-синфи учун ана шундай ўқув қўлланмаси устида иш олиб борилмоқда, — дейди кафедра мудири профессор Талат Усмонхўжаев, — бу китоб «Ўқитувчи» нашриёти томонидан келгуси йили босилиб чиқади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, турли ёш тоифадаги болалар билан жисмоний тарбия машқлари олиб бораётган ўқитувчи ҳамда спортчиларга мўлжалланган ўқув қўлланмаси ва методик ишланма бизда ҳали юзага келган эмас. Мавжуд ўқув қўлланмаларни ўзида бирлаштирувчи янги дарслик устида ҳам иш бошланиб кетди. Бундай адабиётнинг яратилиш жараёни яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган илмий-методик йиғинда атроф-лича кўриб чиқилди.

Акбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0657. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.771 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6